



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 11 » iyun

№ 299

Toshkent sh.

Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 сентябрдаги ПҚ–286-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида янги жорий этиладиган, шунингдек, композит шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатида хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишни жорий этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш учун ҳужжатларни ҳар йили 15 июлдан 5 августгача (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон платформаси ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш;

давлат хизматини кўрсатиш, хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш бўйича тўловларни амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

К/Р: 121

2026-йил 12-йун

хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича QR-код билан ҳимояланган имтиҳон натижасини бериш.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга **1-иловага** мувофиқ давлат хизматининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон платформаси ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилишини таъминласин;

хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларининг мос ва турдош бакалаврият таълим йўналишларига ўқишини кўчиришда чет тили ва умумтаълим фанларидан миллий ёки халқаро сертификатга эга талабгорларга тегишли фанлардан табақалаштирилган ёки максимал балл беришни йўлга қўйсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига **2-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон платформаси (кейинги ўринларда – махсус платформа) ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – ушбу Регламентга мувофиқ ўқишини хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги;

ишчи орган – давлат олий таълим ташкилотлари.

3. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизмати ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

4. Ариза берувчи аризанинг давлат хизматини кўрсатиш доирасида кўриб чиқиш ҳолатини ЯИДХП ёки махсус платформа орқали кузатиб бориши мумкин.

2-боб. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар (шу куни ҳам) давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП ёки махсус платформа ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали ариза беради.

6. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан ёки ариза берувчи мустақил равишда ЯИДХП ёхуд махсус платформа орқали ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради ҳамда унга киритилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.

7. Ариза берувчи ариза топшириш муддатлари якунлангунга қадар рад этилган аризаларни қайта юбориши мумкин.

Ариза берувчи томонидан сўровномада назарда тутилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагани, сўровномада нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқлангани ёки белгиланган миқдордаги тўлов ўз вақтида амалга оширилмагани аризаларни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматини кўрсатишни бошқа асослар билан рад этиш тақиқланади.

8. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

9. ЯИДХП ёки махсус платформа ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ишчи орган томонидан ҳар йили 15 июлдан 6 августга қадар (шу куни ҳам) кўриб чиқилади ҳамда аризани қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, бу ҳақда ариза берувчига ЯИДХП ёки махсус платформа орқали хабарнома юборилади.

10. Аризаларни қабул қилиш якунлангандан сўнг ариза берувчи томонидан сўровномада назарда тутилган ҳужжатлар ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагани, сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқлангани сабабли рад этилган аризалардаги камчиликларни тўлиқ бартараф этиш учун ариза берувчига қўшимча беш иш кунидан иборат муддат берилади.

11. Ариза берувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ўқиши кўчирилаётган олий таълим ташкилотларининг муайян таълим йўналишига ўқишга кириш фанлари бўйича, ўқийдиган тилида махсус синов (тест, касбий (ижодий) имтиҳон) топширади.

12. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклдаги QR-код билан ҳимояланган имтиҳон натижаси ваколатли орган томонидан ҳар йили имтиҳонлар якунлангандан сўнг бир ҳафта ичида ЯИДХП ёки махсус платформа орқали ариза берувчига юборилади.

3-боб. Давлат хизматидан фойдаланганлик учун тўлов ундириш тартиби

13. Давлат хизматини кўрсатганлик учун ариза берувчидан ваколатли орган томонидан ариза қабул қилинган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

14. Тўлов суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

11,75 фоизи – “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган махсус ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи тўлов амалга оширилгани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

қолган маблағлар – Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи тўловни ЯИДХП ёки махсус платформа орқали шакллантирилган инвойс рақами орқали амалга оширади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Ваколатли орган ва ишчи орган давлат хизматини кўрсатиш жараёнида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

16. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|---|--|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи (ўқишни кўчириш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси) | 1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг махсус электрон платформаси ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали ариза беради. 2. ЯИДХП ёки махсус платформа орқали мурожаат этганда, сўровномани мустақил равишда тўлдиради. 3. Маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди. | Ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар |
| 2-босқич | Ишчи орган (давлат олий таълим ташкилотлари) | 1. ЯИДХП ёки махсус платформа ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали келиб тушган аризаларни кўриб чиқади. 2. Аризани қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ЯИДХП ёки махсус платформа орқали ариза берувчини хабардор қилади. | Ҳар йили 15 июлдан 6 августга қадар |
| 3-босқич | Ариза берувчи | Белгиланган тўловни амалга оширади. | Ҳар йили 15 июлдан 6 августга қадар |
| 4-босқич | Ваколатли орган (Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги) | 1. Имтиҳонларни ташкил этади ва ўтказди. 2. QR-код билан ҳимояланган имтиҳон натижасини ЯИДХП ёки махсус платформа орқали ариза берувчига юборади. | 1. Ҳар йили август ойида. 2. Ҳар йили имтиҳонлар яқунлангандан сўнг бир ҳафта ичида. |

Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

НАМУНА

**Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича
СЎРОВНОМА**

| I. Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар | |
|--|--|
| 1.1. Фамилияси, исми ва отасининг исми | |
| 1.2. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси маълумотлари (серияси ва рақами, ЖШШИР маълумотлари) | |
| 1.3. Телефон рақами | |
| 1.4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса) | |
| II. Ариза берувчи ўқиётган олий таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар | |
| 2.1. Олий таълим ташкилоти жойлашган давлат | |
| 2.2. Олий таълим ташкилотининг номи | |
| 2.3. Бакалаврият таълим йўналиши мутахассислиги шифри ва номи | |
| 2.4. Таълим шакли | |
| 2.5. Тамомлаган курси | |
| 2.6. Академик маълумотнома (Транскрипт) хужжати | |
| III. Ариза берувчи ўқишини кўчириш истагини билдирган олий таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар | |
| 3.1. Олий таълим ташкилотининг номи | |
| 3.2. Бакалаврият таълим йўналиши мутахассислиги шифри ва номи | |
| 3.3. Таълим шакли | |
| 3.4. Таълим тили | |
| 3.5. Тест топшириш ҳудуди | |
| 3.6. Миллий ёки халқаро сертификат (мавжуд бўлганда) | |

Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан
талабалар ўқишини республика олий таълим
муассасаларига кўчириш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

НАМУНА



my.gov.uz

Yagona interaktiv davlat
xizmatlari portali



O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim,
fan va innovatsiyalar vazirligi
huzuridagi Bilim va malakalarni
baholash agentligi

№ 5039-465d-9ede-77c2-db58-6352-6287
Hujjat yaratilgan sana: 2025-10-10

Jismoniy shaxsning shaxsiy
identifikatsiya raqami: 31232341234521

XORIJIY VA NODAVLAT OLIY TA'LIM TASHKILOTLARIDAN O'QISHNI DAVLAT OLIJ TA'LIM TASHKILOTLARIGA KO'CHIRISH BO'YICHA IMTIHON NATIJASI

Javoblar varaqasi raqami 000000

Talaba (nomzod) F.I.O.: _____

Oliy ta'lim tashkiloti: _____

Ta'lim yo'nalishi: _____

Ta'lim shakli: _____ Ta'lim tili: _____ Tamomlagan kursi: _____

Jami to'plagan balli: _____

Mazkur ta'lim yo'nalishi uchun belgilangan o'tish balli: _____

Talab bajarilgani: _____

Imtihon sanasi: _____

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-sentabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi. Elektron hujjatning nusxasida ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun repo.gov.uz veb-saytiga o'ting va elektron hujjatning noyob raqamini kiriting yoki mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.

Diqqat! Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 15-sentabrdagi 728-son qaroriga muvofiq elektron hujjatlardagi ma'lumotlar qonuniy hisoblanadi. Davlat organlariga Yagona portaldagi shakllantirilgan elektron hujjatlarning nusxalarini qabul qilishni rad etishlari qat'iy taqiqlangan.

1669



Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-иллованинг 48-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинган абитуриентларнинг иккинчи марта мазкур таълим босқичида давлат гранти асосида олий таълим олишига рухсат этилмайди. Бунда абитуриентнинг давлат гранти асосида талабалikka қабул қилингани тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизими орқали реал вақт режимида олинади ва улар давлат гранти учун танловда иштирок этмайди”.

2. 3-иллованинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини кўчириш (кўчириб тиклаш) тўғрисидаги аризалар ҳар йили 15 июлдан 5 августгача (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) махсус электрон платформаси ёхуд давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинади.

Бунда хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан талабалар ўқишини давлат олий таълим ташкилотларига кўчириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

